Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил 2 феврaль ЧОРШАНБА

№ 10 (12.334)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ВИЛОЯТ ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИ

## УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ТАҲЛИЛИ

**Вилоят ҳокимлигида 2010 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.**

Унда вилоят ҳокими ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари, ҳуқуқ-тартибот органлари ва вилоят бошқармалари раҳбарлари, шаҳар, туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари иштирок этишди.

Йиғилишни вилоят ҳокими Рустам Холматов бошқарди.

Йиғилишда таъкидланганидек, Юртбошимиз белгилаб берган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш, 2009-2012 йилларда инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида вилоятда макроиқтисодий мувозанат, иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатлари таъминланди. Жумладан, ўтган йилда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 2009 йилга нисбатан 10,1 фоиз ўсишига эришилди. Шунингдек, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръати 9,2 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг ўсиши 6,2 фоизни, чакана товар айланмасининг ўсиши 15,2 фоизни, хизматлар ва сервис соҳасидаги ўсиш 18,2 фоизни ташкил этди.

Вилоятда ўтган йил экспортнинг умумий ҳажми 64,7 фоизга ўсди.

2010 йилда вилоятда 1 триллион 447 миллиард сўмга тенг ҳажмдаги инвестициялар ўзлаштирилган бўлиб, бу 2009 йилдагига нисбатан 4,1 фоиз кўп демакдир. Инвестициялар улуши ялпи ички маҳсулотнинг 26 фоизига тенг бўлди.

Йиғилишда маълум қилинганидек, эришилган ютуқларга қарамай, айрим ҳудудларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати, қишлоқ хўжалиги техникаси бугунги кун талабларига жавоб бермаяпти.

Тадбирда вилоят фаоллари мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш бўйича фикр-мулоҳазалар билдириб, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2011 йил учун мўлжалланган устувор вазифалари белгилаб олинди.

Йиғилишда республика Бош вазири ўринбосари Элёр Ғаниев иштирок этди.

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

## ЙИГИТЛАРНИНГ САРАСИ ХИЗМАТГА ОТЛАНМОҚДА

**Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 22 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларни навбатдаги чақирув ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ мамлакатимизда йигитларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш ва улар орасидан ҳар томонлама соғлом, бақувват ёшларни танлов асосида саралаб олиш жараёни давом этмоқда.**

Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимлари томонидан бу борада тегишли ишлар амалга оширилаётир. Жисмоний ва маънавий тайёргарлиги, интеллектуал салоҳияти синовдан ўтказилган чақирилувчилар малакали шифокорлардан иборат тиббий комиссия кўригидан ўтмоқда.

Айни кунларда чақирилувчилар ва ота-оналар иштирокида ўтказилаётган учрашувларда уларга "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни мазмун-моҳияти, соҳани ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар аҳамияти, ҳарбийларга берилаётган имтиёзлар, аскарлар учун ҳарбий қисмларда яратилган шарт-шароит ҳақида атрофлича маълумотлар берилмоқда.

Тадбирлар жараёнида давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони мазмун-моҳиятини кенг тушунтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур фармон чақирув сифати ва самарадорлигини ошириш, муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини, қўшинларнинг жанговар, ижтимоий-сиёсий ҳамда сафарбарлик жиҳатидан тайёргарлигини янада такомиллаштиришда муҳим дастуриламал бўлаётир.

2010 йили Ангрен шаҳар мудофаа ишлари бўлими ва чақирув пункти капитал таъмирдан чиққан янги бинога кўчиб ўтди.

– Илгари хоналарнинг камлиги ва иситиш тизимининг кўнгилдагидек ишламаслиги қатор муаммоларни келтириб чиқарар эди, – дейди шаҳар мудофаа ишлари бўлими бошлиғи С. Сафаров. – Янги чақирув пунктимизда барча зарур шарт-шароит муҳайё этилгани чақирилувчилар билан ишлашда кўплаб қулайликлар яратди.

Олмалиқ, Чирчиқ шаҳарлари ҳамда Бўстонлиқ, Бўка, Зангиота, Қибрай, Ўртачирчиқ туманлари мудофаа ишлари бўлимлари ҳам замон талаби асосида таъмирланди ва жиҳозланди.

Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, юртимиз тинчлиги ва хавфсизлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар бераётган самаралардандир.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

2011 ЙИЛ – КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ







## БАРЧА АШЁ ЎЗИМИЗДАН

**Юқоричирчиқ туманидаги Жумабозор шаҳарчасида гипскартон плиталари – девор ва шифт безаклари ишлаб чиқарувчи корхона ишга тушди.**

"ALIF GRAND CORPORATION" Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонаси бир йилда 4 миллион квадрат метр гипскартон плита ишлаб чиқариш қувватига эга.

– Қурилиш бизнеси жабҳасида бу бизнинг биринчи лойиҳа эмас, – дейди корхона директори Нодирбек Тўлаганов. – Чунончи, аллақачон ғишт заводи ва тош майдалаш корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Биз бевосита бинолар қуриш билан ҳам шуғулланамиз. Бозорни батафсил ўрганиш ички хоналарни безаш учун мўлжалланган сифатли ва арзон материалларга талаб доим юқори эканлигини кўрсатди. Бизда тажриба бор, маблағ бор, нима учун талаб катта материалларни ишлаб чиқаришни йўлга қўймас эканмиз.

Қўшма корхонага собиқ машина-трактор паркининг қулай ҳудуди таклиф этилди. Иш қайнаб кетди. Бир неча ой давомида барча зарур иншоотлар, ишчилар учун ошхона, дам олиш ва бошқа хоналарни ўз ичига олган кенг корпуслар пайдо бўлди.

– Жиҳозлар Хитойдан келтирилди, – давом этади Н. Тўлаганов. – 35 маҳаллий аҳоли ишга жалб этилди. Кейинчалик иккинчи сменада ишлаш учун яна шунча одам оламиз. Ходимлар тегишли тайёргарликдан ўтдилар. Ҳозирча технологик жараёнларни Хитой мутахассислари кузатишяпти.

Менежментнинг ҳисоб-китобларига кўра, корхона бир йилу уч ойда харажатларни қоплаб, фойда келтира бошлайди.

СУРАТЛАРДА: қўшма корхона цехларида иш қизғин.

**Еркебой БОТИРОВ**
**олган суратлар.**

ҚАРОР ВА ИЖРО

## МЎЪЖИЗАЛАР КАЛИТИ

***Бекобод туманида экин майдонларини мелиорациялаш лойиҳалари изчил амалга оширилмоқда.***

Бир пайтлари пахта ҳосилдорлиги жиҳатидан вилоятнинг етакчи туманлари қаторидан ўрин олган Бекободда саккиз-ўн йил илгари иш орқага кета бошлади. Ҳатто, узоқ йиллар донг таратиб келган ширкат хўжаликлари ҳам "ўтириб" қолди. Баъзи йиллари туман бўйича ўртача ҳосилдорлик 20 центнерга етиб-етмади. Кўпчилик фермерлар контрактация режасини аранг учма-уч қиларди.

– Асосий сабаб экин майдонларининг мелиорация ҳолати бузилишида, – деган эди ўша кезларда Бекободнинг донгдор пахтакорларидан бири Қаюм Жабборов. – Зах ариқларни қамиш-қиёқ босиб, оқава сувларни чиқариб ташлаш мумкин бўлмай қолди. Зовурлар кўпдан буён тозаланмайди. Уларнинг аксарияти тўлиб қолган.

Ўтган йили туман пахтачилигида кескин бурилиш юз бериб, давлатга пахта топшириш шартнома режаси ошириб бажарилди. Ўртача ҳосилдорлик кўп пайтлардан буён биринчи марта 25 центнерга етди. Илғор фермер хўжаликлари 30-35 центнердан хирмон кўтарди.

Хўш, бундай ўзгаришнинг сабаби нимада? Қандай омиллар ҳисобига Бекобод илгариги нуфузини тиклаш йўлига ўтди?

Шу сингари саволларга жавоб излаб, туман қишлоқларини айландик, пахтакорлар, мутахассислар билан суҳбатлашдик.

– Асосий омил ер ҳақиқий эгасини топганлигида, – деди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Гулмурод Ғафуров. – Давлатимизнинг дала ишларининг моддий-техник таъминотини яхшилаш борасидаги кўмаги ҳам йил сайин салмоқли тус олаяпти. Лекин гапнинг сирасини айтганда, давлатимиз раҳбарининг "2008-2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори пахтачиликда бой берилаётган имкониятларни қайта тиклашда етакчи омиллардан бирига айланди. Давлат дастурининг ижроси изчил таъминланиб, ҳар йили экин майдонларини мелиорациялаш мақсадларига бюджетдан миллиард-миллиард сўм маблағ ажратилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

ЎРТАЧИРЧИҚ ТУМАНИ

### МИЛЛИЙЛИК ҚАДРИЯТЛАРДА АКС ЭТАДИ

**Тумандаги 34-мактабда "Миллий қадриятларимизни баркамол авлод қалбига сингдириш – асосий мақсадимиздир" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси ташкил этган тадбирда партия дастуридаги вазифалардан келиб чиққан ҳолда ёшларимизни Ватанга садоқат, миллий анъаналарга муҳаббат руҳида тарбиялаш масалалари муҳокама қилинди. Миллий қадриятларни сингдириш жараёни ёшликдан бошланиши, бунда бошланғич ва ўрта таълим муассасаларининг роли катта эканлиги таъкидланди.

БЕКОБОД ШАҲРИ

### ИЛЛАТГА ҚАРШИ КУРАШМОҚ КЕРАК

**Шаҳардаги саноат касб-ҳунар коллежида "Камолот" ЁИҲ ва Ўзбекистон МТДП туман кенгашлари Миллий хавфсизлик хизмати билан ҳамкорликда "Диний экстремизм, гиёҳвандлик, терроризм, одам савдоси ва уларнинг оқибатлари" мавзусида йиғилиш ўтказди.**

Коллежнинг 73 ўқувчиси иштирок этган маърифий тадбирда сўзга чиққанлар мазкур иллатларнинг ёшлар орасида тарқалишига йўл қўймаслик, уларнинг зарарли оқибатларига қарши кураш борасида маълумот беришди.

**Отабек САИДОВ.**

ҚИБРАЙ ТУМАНИ

### ЁШЛАР КОНЦЕПЦИЯНИ ЎРГАНМОҚДА

**Тошкент Давлат аграр университети қошидаги Қибрай академик лицейида Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" маърузасини ўрганишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ўқувчи-ёшлар иштирок этган тадбирда мазкур Концепцияда мамлакатимизни модернизациялашнинг асосий йўналишлари белгилаб берилгани, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, ахборот соҳасини ривожлантириш, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлаш, бозор иқтисодиётини янада либераллаштириш каби муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратилгани таъкидланди.

**ЎзА.**

2011 йил учун
ОБУНА
давом этмоқда
ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
газетасининг индекси – 205

### ЖАМҒАРМА ТУҲФАСИ

**Вилоят "Маҳалла" хайрия жамғармаси имкониятари чекланган болаларни қўллаш мақсадида Зангиота туманида истиқомат қилувчи 9 ўғил-қизга компьютер совға қилди.**

Бундан уйда таълим олаётган болалар, уларнинг ота-оналари ва устозлари мамнун бўлишди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

## БЎШ БЎЛСАНГ, КАСБ ЭГАЛЛА!

**Оҳангарон туманидаги қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида "Ёшлар – келажагимиз" мавзусида семинар ўтказилди. Туман ҳокимлиги ва прокуратура ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ўқувчи-ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари ва маҳалла фаоллари иштирок этишди.**

Семинардан мақсад ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга кўмаклашиш, уларни касб-ҳунарга йўналтириш, ҳуқуқий саводхонлигини оширишдан иборат.

Тадбирда ўқувчи-ёшларни диний экстремизм, терроризм, ақидапарастлик ва миссионерлик хуружларидан ҳимоя қилиш, улар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш масалалари хусусида сўз юритилди.

Семинарда таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия аъзолари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари иштирокидаги бундай тадбирлар маҳаллаларда ҳам ўтказилмоқда.

**Шоҳруҳ ҲАКИМОВ.**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг!
Тел: 237-21-93; 237-16-24
Сайт: www.pochta.uz;
e-mail: oao@post.uz

**Халқимизнинг азалдан кўчат экиб, боғ яратиш одати фақат моддий эмас, балки улкан маънавий эҳтиёж, тарбиявий аҳамият касб этадики, бу билан эзгулик улуғланади, қадрият ва анъаналар давом эттирилади. Шу орқали инсон табиатга бўлган меҳрини ифодалайди. Унинг яхлитлиги ва уйғунлигини таъминлайди...**



# ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

Юртбошимиз таъбири билан айтганда: "Шу мўътабар заминда таваллуд ва тарбия топган шахс, ўзини айнан шу юрт фарзанди деб билгувчи инсон ўз давлати, ўз халқи олдидаги, уни катта умидлар билан тарбия этган, вояга етказган жамият олдидаги бурчини адо этиши керак".

Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия ва "Нуроний" жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ижтимоий ҳаракатининг республикамизда ўтказиладиган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларида фаол қатнашиш юзасидан мамлакатимиз аҳолисига муножаати жойларда қизғин қўллаб-қувватланмоқда. "Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига 20 туп дарахт – менинг туҳфам" ташаббусига жавобан Зангиота туманидаги 34-мактаб жамоаси Ватанимизнинг энг улуғ байрами – Мустақиллигимизнинг 20 йиллик тўйига мактаб иссиқхоналари ва ер участкасида 100 минг гул ва 500 туп мевали дарахт кўчатлари етиштиришга астойдил киришдилар ва бу ўз натижасини кўрсатмоқда.

Мазкур тадбир гул ва мевали дарахтлар етиштириш орқали ўқувчиларда ёшлигиданоқ деҳқончилик кўникмаларини ҳосил қилиш, табиатга меҳр уйғотиш билан бирга ёшларда ватанпарварлик туйғусини кучайтириш мақсадида ташкил этилди.

Туманда, хусусан, шу мактабда боғ-роғлар барпо этиш мақсадида кўчат экиш бошланди. Тадбирда маҳаллий ҳокимият идоралари ва жамоа ташкилотлари вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлари қатнашдилар.

81-Зангиота сайлов округидан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Ориф Шарипов ўқувчилар билан бирга мактаб боғини яратишда иштирок этди ҳамда мактаб учун қимматбаҳо совғалар улашди. Хусусан, болажонлар фойдаланиши учун 15 та компьютер берилди.

**Абдулла ФАЙЗИЕВ.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

ИФТИХОР

# ОЗОД ЮРТ ФАРЗАНДИМИЗ

**Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг, шу йиллар ичида кўпгина соҳаларда жуда катта ютуқларни қўлга киритиб келмоқдамиз.**

Мустақиллик шарофати билан таълим соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар юртимиз ёшлари учун жаҳон андозалари талаблари даражасида чуқур билим эгаллаш имконини бермоқда.

Ҳозир мен Ангрен шаҳридаги вилоят давлат педагогика институтининг "Хорижий филология" факультетида таҳсил оляпман. Болалигимдан чет тили, жаҳон мамлакатлари маданияти, урф-одатларини ўрганишга қизиқишим сабабли ҳамда юртимиз таянчи бўлмиш ёш авлодни тарбиялашга ҳисса қўшиш мақсадида педагог бўлишни ният қилганман.

Ўтган йиллар давомида нафақат инглиз, рус тили, балки корейс ва француз тилларини ўрганишга ва келажакдаги иш фаолиятимда асқотадиган замонавий билимларни эгаллашга интилмоқдаман. Ўзим қизиққан мавзуларда ёзган мақолаларим шаҳар, вилоят газеталарида чиқиб турибди. Шунингдек, устозим билан "Дарсларни ноанъанавий тарзда олиб бориш" мавзусида илмий изланишдамиз.

2009 йилда KOICA (Korean international cooperation agency) гранти соҳибаси бўлиб Жанубий Корея Республикасининг Сувон шаҳридаги "Ajou" университетида билимларимни ошириб келдим. Ҳаётимда ўчмас из қолдирган Баркамол авлод йилида Юртбошимиз таъсис этган Зулфия номидаги давлат мукофотини таълим йўналиши бўйича қўлга киритдим.

Юртимизда яратилган имкониятлар ижодкор, ҳаракатчан ёшларга янада куч-ғайрат бағишлайди. Сабаби – инсон ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмаслиги, эришган ютуғи билан чекланмаслиги керак. Ўзининг олий мақсади сари дадил интилиб, юрт ривожига, гуллаб-яшнашига муносиб улуш қўшмоғи лозим. "Барча эзгу ниятларимизнинг марказида дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган фарзандларимизнинг бахту саодати ва фаровон келажагини кўриш орзуси туради" деб таъкидлайди Юртбошимиз. Биз ёшлар эса, келажакда ҳар жиҳатдан баркамол, буюк аждодларимизга муносиб авлод бўлиб етишсак, она Ватанимиз ва Юртбошимиз ишончини оқлаган бўламиз.

**Мафтуна ЎСАРОВА,**
**вилоят давлат педагогика институти талабаси,**
**Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори.**

# МУҲОКАМАДА МАЛАКА ОШИРИШ ВАЗИФАЛАРИ

Бўка туманида вилоят халқ таълими бошқармаси ўрта умумий таълим мактабларининг ўқитувчилари учун семинар ўтказди.

Унда педагог ходимларнинг навбатдан ташқари малака ошириш курсларини ташкил этиш масаласи кўриб чиқилди. Малака ошириш ўқувларини намунали ташкил этиш учун зарур қўлланма ва техник қурилмалар билан таъминланиш аҳволи муҳокама этилди.

**Саид АСҚАРОВ.**




# АВИАКОМПАНИЯ ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

**"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси халқаро авиаташишлар бозорида ўз ўрнини мустаҳкамлаб бормоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши туфайли истиқлол йилларида тармоқда туб ўзгаришлар амалга оширилди. Миллий авиакомпаниямиз мижозлар ишончини қозониб, фаолият кўламини кенгайтирмоқда, йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини оширмоқда.**

Бугун Ўзбекистон фуқаро авиацияси авиакомпания, аэропортлар, авиатаъмирлаш корхонаси, ҳаво ҳаракатини бошқариш корхонаси ва бошқа таркибий бўлинмаларни ўз ичига олган ҳамда изчил ривожланиб бораётган кўп тармоқли тизимдан иборат. Улар, ягона ишлаб чиқариш – технологик жараённи амалга оширган ҳолда, мамлакатимиз авиация соҳасининг барқарор ва хавфсиз фаолият кўрсатишини таъминламоқда.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси 2010 йил якунларини сарҳисоб қилди. Бу даврда авиакомпания ҳаво кемалари 23,5 минг мартадан ортиқ парвоз қилиб, 2 миллион нафардан зиёд йўловчини манзилига етказди. 2009 йилга нисбатан ташишлар сони 14,3 фоизга ортди, ҳар бир авиапарвозга тўғри келадиган йўловчилар сони ўртача 78 нафардан 92 нафарга кўпайди.

Компания матбуот хизматидан олинган маълумотларга қараганда, авиапаркнинг янги самолётлар билан тўлдирилиши ва 2011 йилнинг 1 январидан Ту-154 ҳаво кемаларининг фойдаланишдан олиб ташланиши ўтган йилдаги энг муҳим воқеалардан бўлди. Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ва "Airbus" консорциуми ўртасида ўнта А-320 ўрта масофага учувчи самолётларни харид қилиш бўйича шартнома асосида ўтган йили бешта ана шундай самолёт сотиб олинди.

Дастлабки А-320 самолёти ўтган йилнинг июль ойи ўрталарида Гамбургдан "Тошкент" халқаро аэропортига келиб қўнди. Августда эса иккинчи самолёт келтирилди. 2010 йил охирида авиакомпания парки ушбу русумдаги бешта самолёт билан тўлдирилди. Жорий йилда авиакомпания қолган бешта ҳаво кемасини ҳам олишни режалаштирмоқда.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпания трассаларида дастлабки иккита А-320 самолётлари синаб кўрилди ва улардан фойдаланишнинг тижорат самарадорлиги тасдиқланди. Ушбу русумдаги ҳаво кемалари 883 авиақатновни амалга оширди, 103,3 минг нафар йўловчи, қарийб 340 тонна юкни ташиди. Айни пайтда илгари Ту-154 самолётлари бажарган кўплаб авиақатновлар А-320 ҳаво кемалари томонидан амалга оширилмоқда.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси бош директори Валерий Тяннинг таъкидлашича, авиакомпания ўз фаолиятида парвозлар хавфсизлиги, авиаташишлар ишончлилиги ва сифатига катта эътибор қаратмоқда. Бу борада барча зарур чоралар кўрилмоқда.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" томонидан авиация ускуналарининг техник ҳолати ва созлигини текшириш, авиакомпаниянинг авиациятехник ва таъмирлаш базасини яхшилаш, халқаро стандартлар даражасидаги барча хизмат турларини кўрсатиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасидир.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси бўлимлари ҳақида гап борганда, ўзининг ишлаб чиқариш салоҳиятини тобора юксалтираётган "Uzbekistan Airways Technics" корхонаси фаолиятини алоҳида қайд этиш лозим. Корхона нафақат мамлакатимиз, балки хорижда ишлаб чиқарилган ҳаво кемаларига барча турдаги линияли ҳамда базавий техник хизматларни кўрсатмоқда. Кўрсатилаётган хизматлар сифатининг юқорилиги ва янги хизмат турларининг мунтазам ўзлаштирилаётгани, ходимларнинг малака даражаси муттасил оширилаётгани тегишли халқаро сертификатлар билан тасдиқланмоқда.

Юртимизга янги А-320 самолётлари келтирилиши боис "Uzbekistan Airways Technics" авиакорхонасида мазкур самолётларга техник хизмат кўрсатиш дастури ишлаб чиқилди ва тасдиқланди, ишлар ҳажми белгиланди. A-Check шакли бўйича техник хизмат кўрсатиш ва оралиқ ишларни бажариш учун хариталар чоп этилди. Ушбу самолётлардан фойдаланиш учун сарфланадиган материаллар рўйхати аниқланди.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси Мадрид ва Калининградга янги авиақатновларни йўлга қўйди, шунингдек, Нью-Йорк, Олмаота, Киев, Сеул, Бангкокка қатновлар сонини кўпайтирди. Жорий йилда миллий авиакомпаниямиз ҳаво қатновлари географиясини янада кенгайтиришни режалаштирмоқда. Хабаровск (Россия), Мумбай (Ҳиндистон), Исломобод (Покистон) йўналишлари бўйича янги, тўғридан-тўғри авиақатновлар амалга ошириллади.

Бундан ташқари, "Sky Team" халқаро авиация альянсига қўшилиш бўйича аниқ мақсадли ишлар давом этмоқда. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг ушбу авиация альянси тарафдори экани ҳақидаги асосий шартноманинг якуний варианти тайёрланди. Авиакомпания тузилмаси альянс аъзолари ўртасида қабул қилинган стандартларга мувофиқ такомиллаштирилмоқда. 2010 йилнинг 27 августида "Sabre" компанияси билан кўп парвоз қиладиган йўловчиларнинг "Sky Team" талабларига мос келадиган дастурини жорий қилиш тўғрисида асосий шартнома имзоланди.

Мухтасар айтганда, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси 2011 йилни дунёдаги юксак салоҳиятга эга, барқарор, тез ривожланаётган йирик авиаташувчилардан бири сифатида кутиб олди.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири.**

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ВА ДАВР

# ЧЕГАРАЧИЛАРГА ИККИ КОМПЬЮТЕР

**Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши давлатимизнинг ҳарбий хизматчиларга кўрсатаётган эътиборини қўллаб-қувватлаш мақсадида йил давомида амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқди.**

Олис ҳарбий шаҳарчаларда истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчилар оилаларининг меҳнатга лаёқатли аъзоларини иш билан таъминлаш, бунинг учун касаначилик, уй меҳнати билан шуғулланувчиларга қулай шароитлар яратишга кўмаклашиш, хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ҳолидан хабар олиш масалалари дастурдан ўрин олган. Шунингдек, алоҳида ўрнак кўрсатган аскар ва зобитларни моддий рағбатлантириш, ҳарбий ўқув юртлари талабалари учун касаба уюшмаларининг устама стипендияларини таъсис этиш, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари учун болалар оромгоҳларига йўлланмалар ажратиш, ўқув юртлари қошидаги компьютер, чет тилларни ўрганиш тўгаракларига ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларини жалб этиш каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Дастур доирасида Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Мудофаа вазирлиги ҳамда республика Миллий хавфсизлик хизмати давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасига иккита компьютер жамламаси совға қилинди.

**Отабек АЛИЕВ.**

ТЕХНИК КЎРИК

**Ўзбекистон Республикасининг "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимининг "Вилоят ҳудудидаги транспорт воситаларининг мажбурий техник кўригини ташкил этиш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унда хусусан, техник кўрикдан ўтказиш муддатига риоя қилиш, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг шаҳар ва туман бўлинмалари билан биргаликда транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жадвалини ишлаб чиқиш вазифаси ҳам белгилаб қўйилган.**

# МАШИНАНГИЗ СОЗМИ, ҲАЙДОВЧИ?



Шунингдек, йўловчиларга самарали транспорт хизмати кўрсатиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, вилоятдаги тижорат асосида йўловчи ташиш билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар тасарруфидаги 2000 йилгача ишлаб чиқарилган автобус ва кичик автобусларнинг мажбурий техник кўриги Олмалиқ шаҳридаги 1-диагностика тармоғида ўтказилиши кўрсатилган. Ангрен ва Олмалиқ шаҳарлари, Пискент, Бўка ҳамда Оҳангарон туманларидаги ишлаб чиқарилган йилидан қатъи назар, барча турдаги автобус ва микроавтобуслар ҳам шу жойда техник кўрикдан ўтказилиши қайд этилган. Шунга биноан, вилоят ички ишлар бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси автотранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоида ва меъёрларига амал қилишнинг назорати бўйича бўлинмалари билан биргаликда мажбурий техник кўрикдан ўтказиш жадвали ишлаб чиқилмоқда. Унга кўра, автотранспорт корхоналарида мажбурий техник кўрикдан ўтказишда вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси техник назорат бўлими ходимларининг иштирок этиши, кўрикнинг самарадорлигини ошириш йўлида тегишли ташкилотлар ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар тузилиши таъминланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ўтган 12 ой давомида 35 марта рейд ўтказилиб, йўловчи ташувчи 16 минг 926 та транспорт воситалари текширилди ва 8248 та ҳуқуқбузарлик аниқланди. Шундан 246 таси техник носоз транспорт воситасини бошқариш билан боғлиқдир. Аниқланган барча камчиликлар бўйича 1571 ҳайдовчи ва 80 нафар раҳбар ходимга нисбатан мажбурий чоралар кўрилиб, тегишли ташкилотларга 77 марта тақдимнома киритилди.

Камчиликларни кескин камайтириш ва бартараф этиш мақсадида рейдлар ўтказилмоқда. Қарорга биноан ўрнатилган тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтмаган автобус ва кичик автобуслардан фойдаланиш тақиқланган.

Юқоридаги вазифаларни вақтида амалга ошириш ҳам ҳайдовчиларнинг, ҳам жамоат транспортидан фойдаланувчи ҳар бир фуқаронинг хавфсизлигини таъминлаши шубҳасиз.

**Дилмурод ШУКУРОВ,**
**вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси техника назорати бўлими бошлиғи.**

ДОН – РИЗҚ-РЎЗИМИЗ

# ҲАМ ҚИШЛОҚ КЎРКАМ, ЕРГА МАЛҲАМ



**Вилоятимиз ғаллакорлари 2011 йил ҳосили учун 133 минг гектардан зиёд майдонга уруғ қадашган. Шу кунларда мутахассислар тавсияси ва деҳқончиликда кўп йиллик синовдан ўтган тажрибалар асосида иш юритаётган фермерлар ғаллазорларни маҳаллий ўғит билан озиқлантиришга катта аҳамият беришмоқда.**

– Айни пайтда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, вилоятимизда ҳам мутахассислар, деҳқон ва фермерлар томонидан етарли миқдорда маҳаллий ўғит жамғариш ва ғалла майдонларини озиқлантириш ишлари жадал олиб борилмоқда, – дейди "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раҳбари Суяр Қурбонқулов. – Бундай хайрли ишда маҳалла аҳли, қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳам фаол иштирок этаётир. Маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги хонадонлардан маҳаллий ўғит далаларга мунтазам олиб чиқилмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, қиш бироз қуруқ келган вазиятда самарали усуллардан бири – ғалла майдонларини маҳаллий ўғит билан озиқлантиришдир. Бу борада деҳқонларимизга елкадош бўлиш, ғалланинг яхши ривожланиши йўлида уларга баҳоли қудрат кўмаклашиш барчамизнинг инсоний ва фуқаролик бурчимиздир. Чорва боқилаётган хонадонлардан, чорвачилик фермаларидан гўнгни тўплаб, ғалла майдонларига чиқаришда фаоллик ва ташаббус кўрсатиш деҳқон ҳамда фермерлар учун катта мадад бўлади. Ғалла майдонларини етарли миқдорда маҳаллий ўғит билан озиқлантириш эртага барчамизнинг ризқ-рўзимиз бўлган доннинг мўл бўлишига хизмат қилади. Буни тўғри англаган вилоят аҳли ғалла майдонларини маҳаллий ўғит билан озиқлантириш ишларига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

"Маҳалла" жамғармаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлимлари ташаббуси билан яна бир хайрли ишга қўл урилди. Далаларга маҳаллий ўғит чиқариш жараёнида "Менинг маҳаллам – энг обод ва тоза маҳалла" кўрик-танлови эълон қилинди. Чорва боқилаётган хонадонлардан гўнг олиб чиқилиши билан бирга, кўча атрофлари чиқиндилардан тозаланмоқда. Бу маҳаллалар озодалигини таъминлашда, санитария ҳолатини яхшилашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Л. СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашга қонунбузилиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда,**

СИЗ ТАДБИРКОРЛАР ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИНГИЗНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ҚУЙИДАГИ «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ» РАҚАМЛАРИГА ЁКИ «007» ҚИСҚА РАҚАМИГА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН**

**("007" қисқа рақамига қўнғироқ фақат туман ва шаҳар АТС рақамларидан амалга оширилади)**

| № | Прокуратура органлари | Ишонч телефонлари | |
|---|---|---|---|
| 1. | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси | Код: 8371 | 232-43-91<br>232-45-40 |
| 2. | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти | Код: 8371 | 233-84-20 |
| 3. | Тошкент вилоят прокуратураси | Код: 8371 | 277-76-18 |

**Бундан ташқари барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари, фуқароларнинг кундалик қабули навбатчилик асосида тўхтовсиз ташкил этилган.**

**Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ.**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ — ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА **ОБУНА** бўлинг — Тел: 233-08-34 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ҚАРОР ВА ИЖРО



# МЎЪЖИЗАЛАР КАЛИТИ

– Оқава ва зах сувлар оқиб чиқиб кетадиган зовурлар тизими ҳийла мураккаб, – деди мелиорация бўлими бошлиғи Абдумутал Хўжамуродов. – Туманимиз ҳудудида бундай зовурларнинг умумий узунлиги 1225 километр. Уларни босқичма-босқич тозалаш ва реконструкция қилиб, қайта тиклаш режалари хариталарда акс эттирилган.

Кейинги йилларда 330 километр узунликдаги хўжаликлараро ва ички зовурларни тозалаш давом эттириляпти. Чунончи, 2008 йили Тутувчи, Қумли зовурлари бўйлаб 132 километр масофада 240 миллион сўмликдан ортиқ тозалаш ишлари бажарилди. 2009 йили эса Қумли коллекторининг 71,1 километри тозаланди. Мелиораторлар бу ерда 157,1 миллион сўмлик ишни поёнига етказишди. Шу билан бир пайтда "К-2" зовурлар тизимида 65,51 миллион сўм сарфлаб бажарилган мелиорация ишлари "Дўстлик", "Ирригатор АГРО", "Навбаҳор" сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ва "Бекобод" агросаноат мажмуида экин майдонларининг мелиорация ҳолати кескин яхшиланишига олиб келди. Шунингдек, ўша йили бош сув ташлама зовурида ҳам тозалаш ишлари бошланганди. Ўтган йили 75 километр узунликдаги бу тизим тамомила тозаланди.

Шу кунларда мелиораторлар Уртукли ва 2-Тутувчи зовурларини тозалашаяпти. Бу иш охирига етказилгач, асосий эътибор Сардобсойни тозалашга қаратилади. Йил давомида унинг 90 километрини мелиорациялаш режалаштирилган. 240 километр узунликдаги бу зовурни тозалаш кейинги йили давом эттирилади.

– Умуман, 2008 йили 132, 2009 йили 136,3, 2010 йили 107,7 километр узунликдаги зовурлар тозаланди, – дейди туман мелиоратори. – Бу йил 225,3 километр узунликда зовурлар тозаланади. Дастлабки уч йилда туманимизда шу мақсадлар учун деярли 500 миллион сўм бюджет маблағи сарфланди.

Ҳали булар ер ости сувлари кўтарилиб, экинлар ривожи, мева боғлари ҳосилдорлигига етказадиган зарарнинг олдини олиш, экин майдонларининг тупроқ шароитини яхшилашнинг бошланиши, холос. Мутахассислар бу фикрни давом эттириб, баъзи участкаларда зовурлар деярли тўлиб, оқава сув йўллари тўсилиб қолганлиги, натижада катта-катта майдонларни зах босиб, деҳқончилик учун яроқсиз ҳолга келгани ҳақида гапиришди.

Шу боис зовурларнинг бу қисмини реконструкциялаш лойиҳалари ишлаб чиқилди. Табиийки, бу шунчаки тозалаш эмас. Зовурларнинг тўлиб қолган қисмлари қайтадан қазилиб, оқава сув йўли деярли илгариги лойиҳа даражасида тикланади, унинг икки қирғоғидаги ерлар текисланиб, деҳқончилик учун яроқли ҳолга келтирилади.

Шундай қилиб, 2008 йили фақат Уртукли зовурининг 6,4 километрини реконструкциялаш бўйича 785 миллион сўмлик, 2009 йили 6,4 километрида 180,5 миллион сўмлик лойиҳалар амалга оширилди. Шу даврда Ёрликоп зовурида 489, бош сув ташлама зовурида 253 миллион сўмлик реконструкция тадбирлари бажарилди. Бу жараёнларда катта автомобиль йўлларидаги бешта кўприк қайтадан қурилди. Бу иншоотларни барпо этишга 270 миллион сўм сарфланди.

– Зовурларни реконструкциялашнинг бу йилги режалари ҳам катта, – деди суҳбат пировардида А. Хўжамуродов. – Қумли коллекторида жами 16 километрли участка қайта тикланиши керак. Лойиҳа ҳужжатлари тайёр.

Бугун Бекобод тумани қишлоқларини айлансангиз, далаларда зовур тозалаётган ёки уларнинг тўлиб қолган қисмини қайтадан қазиб, оқава сувлари йўлини равонлаштираётган экскаваторчиларни кўрасиз. "Юқоричирчиқ" ва "Бўка" давлат унитар корхоналари механизаторлари қиш кунларида ҳам тинмай меҳнат қилишаяпти. Фақат "Юқоричирчиқ" корхонасининг ўзи зовурларни тозалаш ва қайта тиклаш ишларига 7 та экскаватор ажратган. Шу кунларда бу унумли машиналарни яна 5 тага кўпайтириш мўлжалланмоқда.

– Ерларни мелиорациялашнинг ҳозиргача ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган лойиҳалари ер ости сувлари 1,7-2 метр пасайишига олиб келмоқда, – деди қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Гулмурод Ғафуров. – Уртукли зовури атрофида мелиорация ҳолати ёмонлашган 1291 гектар ер қайта "жонланмоқда". Лойиҳа бўйича ҳосилдорлик 30 фоизга ортиши кўзда тутилган. Лекин дастлабки йил якунларига кўра, ўша ерлардан фойдаланаётган илғор фермер хўжаликлари эришган натижалар бундан ҳийла юқори бўлди.

Туманда экин майдонларини мелиорациялаш жараёнларида тик дренажларнинг аҳамияти ҳам эътибордан қочирилаётгани йўқ. Ҳозир 11 та лойиҳа ишлаб чиқилган. Уларни амалга ошириш ҳам қишлоқ хўжалик экинлари, мевазор ва токзорлар ҳосилига барака киритиб, деҳқон ва фермер хўжаликларининг молия-иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланишига, аҳолининг реал даромадлари кўтарилишига олиб келади. Шу тариқа мелиораторлар пахтакорларга "ана энди ерларингиздан оқилона фойдаланинг, ҳосилга ҳосил қўшиб, қандингизни уринг" дейишаяпти. Энди гап фермерларда қолди. 2010 йил натижалари улар панд бермасликларини кўрсатди. Туман олдинги мавсумлардагидан анча ортиқ пахта топшириб, йилни муваффақиятли якунлади. Ҳеч шубҳа йўқки, давлат томонидан кўрсатилаётган амалий ёрдамлар бекободликларга пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил олиб, илгариги довруқни тиклаш учун равон йўл очади.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

СУРАТДА: туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Гулмурод Ғафуров (ўнгда) мелиоратор Абдумутал Хўжамуродов билан навбатдаги режаларни кўриб чиқмоқда.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК

# КОНСТИТУЦИЯНИ ЎРГАНИШ КЕЛАЖАКНИ ЎЙЛАШДИР

**Фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш адлия ходимларининг устувор вазифаларидан биридир. Айниқса, ёш авлодга ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўғри англатиш бизнинг муқаддас бурчимиз.**

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мамлакатимизда мустаҳкам ҳуқуқий база шаклланган. Конституция, Оила кодекси, Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодекси, Жиноят кодекси ва бошқа бир қатор ҳуқуқий ҳужжатларда ёш авлод ҳуқуқларини кафолатлашга оид меъёрлар белгилаб қўйилгани ҳақида шаҳримиз ёшлари орасида ҳам мунтазам ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва бошқа жиноий ҳаракатларнинг олдини олиш, жиноят содир этишнинг келиб чиқиш сабаблари ва унинг ноҳуш оқибатлари ҳақида ёшларга тўғри таълим-тарбия беришдек масъулиятли вазифага бефарқ қарамаслик лозим. Ёшларнинг вақтини унумли ва самарали ўтказиш, "оммавий маданият" таъсиридан асраш бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди.

Ҳуқуқшунос сифатида ўқувчи ёшларнинг мустақил фикрлаш қобилияти, нутқ маданиятини ўстириш, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёр ва қоидаларини миллий қонунчилигимизга сингдириш, юртимизни дунёдаги мавқеини кўтариш масалаларига жиддий эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаган бўлардим.

Ҳуқуқий тарғиботни кучайтиришда Конституция бизга дастуриламал бўлмоқда. Унда фуқароларнинг барча ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси кафолатланган. Аслида ҳам ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқини тўла англашни Конституцияни чуқур ўрганишдан бошламоғи лозим. Барча тараққийпарвар мамлакатларда Конституция асосий қонун сифатида эътироф этилади ва қабул қилинадиган бошқа қонуний ҳужжатлар унга зид бўлишига йўл қўйилмайди. Фуқароларнинг Конституциявий билимларини мустаҳкамлаш ва тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан вилоят адлия бошқармаси аниқ чора-тадбирлар белгилаб олган бўлиб, жумладан, Олмалиқ шаҳридаги ишлаб чиқариш ва таълим муассасаларида ҳуқуқий тарғибот изчил ўтказилмоқда. Нотариал идораларда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, шартномавий муносабатларни тартибга солиш юзасидан ҳамшаҳарларимизга беминнат хизмат қилаётирмиз. Зеро, биз ҳуқуқшуносларнинг бугунги кундаги вазифамиз Бош қомусимиз асосида эркин демократик давлат барпо этиш, одил фуқаролик жамияти пойдеворини янада мустаҳкамлашга кўмаклашишдир.

**Анора ЙЎЛДОШЕВА,**
**Олмалиқ шаҳридаги**
**2-нотариал идора нотариуси.**

ПАРТИЯЛАР ҲАЁТИДАН




# ГУВОҲНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ

**Зангиота туманидаги Кенсой агросаноат ва бизнес касб-ҳунар коллежида "Ёшлар – халқимиз, Ватанимиз келажаги, бугунги ва эртанги куннинг ҳал қилувчи кучи" мавзусида ўқув-машғулоти ўтказилди.**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Зангиота туман кенгаши ташкил этган тадбирда республика Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузаси ва унда илгари сурилган Концепциядан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши, туман ички ишлар бошқармаси ва тиббиёт бирлашмаси вакиллари ҳозирги кунда ёшлар билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечими масалаларини муҳокама этишди.

Семинарда ёшлар тарбияси йўлида ибратли фаолият кўрсатаётган бир гуруҳ фаоллар муносиб тақдирланди.

Машғулот якунида ХДП сафига янги қабул қилинган аъзоларга гувоҳномалар топширилди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

СУРАТДА: семинар фойдали бўлди.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Тошкент вилояти Ёнғинга қарши кураш жамиятига тегишли думалоқ муҳр ҳамда тўртбурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Қуйичирчиқ туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2006 йил 16 июнда Юлдашев Бахтиёр Мелиқузиевич номига берилган U № 2159563 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"GUGA MAX" хусусий корхонаси "GUGA MAX" масъулияти чекланган жамиятига айлантирилишини маълум қилади.

Собир Раҳимов тумани ТСРЎИ томонидан 02.06.2010 йилда гувоҳнома рақами № 05-09295 билан рўйхатга олинган (ИНН 601596333) якка тартибдаги тадбиркор Усмонова Гузалхон Саидазимхужа қизига тегишли бўлган гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ҳамза тумани ТСРЎИ томонидан 19.11.2009 йилда реестр рақами № 002581-07 билан рўйхатга олинган (ИНН 301379864) "GEOMINEPROEKT" хусусий корхонасига тегишли бўлган бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 2008 йил 19 августда № 002374-01 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "NEW AGE PHARMACEUTIAL" (ИНН 300915632, ОКОНХ 71212) хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгарганлигини маълум қилади.

Утерянный аттестат O'R-B № 0102328, выданный в 2001 году школой № 233 Сабир Рахимовского района на имя Кичева Юрия Петровича,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Қўйлиқ-5 мавзеси, 3-уй, 14-хонадонга тегишли Махмудов Сайдбурхонидин Айдарович номига берилган уй плани йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"KOMOL UNIVERSAL" хусусий корхонаси (ИНН 301090656, ОКОНХ 61110) "KOMOL UNIVERSAL" МЧЖга ўтаётганлигини маълум қилади.

Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида +998901088093 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Шайхонтоҳур туманидаги "RUXSALIS" хусусий корхонаси устав фондини 46.298.084 сўмдан 31.805.235 сўмга камайтираётганлигини маълум қилади.

Утерянный аттестат о среднем образовании за № 822694, выданный в 1985 году средней школой № 34 г. Ангрена Ташкентской области на имя Мелкомукова Александра Анатольевича.
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянные документы: на квартиру и план квартиры на право собственности на квартиру по адресу: м-в Чиланзар-31, д. 43, кв. 141, выданный 16.04.2006г. БТИ Учтепинского района г. Ташкента на имя Зупарова Нуриддина Хуснитдиновича,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.**

XXI аср ва дунё

**Мисрнинг "6 апрель" мухолиф ҳаракати мамлакат президенти Хусни Мубораннинг истеъфога чиқишини қатъий талаб қилмоқда. Ушбу ҳаракат Қоҳирада миллион кишилик норозилик акциясини ўтказишини маълум қилди.**

## ҚОҲИРАДА КОМЕНДАНТ СОАТИГА БЎЙСУНИШМАЯПТИ

"Ал-Жазира" телеканалининг хабарига кўра, ушбу энг оммавий митингни кеча, 1 февралда ўтказиш режалаштирилган эди. BBC News ахборотида айтилишича, 31 январь куни мамлакат пойтахтидаги Таҳрир (Озодлик) майдонида 50 мингга яқин намойишчи тўпланди. Бу орада "Ал-Жазира" тўғридан-тўғри эфирга узатган кўрсатувда аввалига икки-уч минг кишилик бўлган митинг жуда тез катталашиб боргани айтилди. Қатар телевидениесининг хабарига кўра, майдон ҳарбийлар томонидан тўсиб олинган. Улар майдонни тиконли симлар билан ўраб, кираверишга танкларни жойлаштиришган. Бундан ташқари, шаҳар кўчаларига полиция қайтиб келган.

Ҳукумат комендантлик соати эълон қилганига қарамай, Қоҳира кўчаларига одамлар оқиб келаяпти. Кейинги фармойишга кўра, эрталаб соат саккизгача одамлар уйларидан чиқмасликлари керак. Душанба куни комендантлик вақти кундузи соат учдан бшланиши керак эди. Уйларни бевақт тарк этмаслик ҳақидаги тақиқ бошқа шаҳарлар, жумладан, Искандария ва Сувайш шаҳарларида ҳам жорий этилди.

Воқеалар бошида комендантлик соати 28 январь куни жорий этилган эди. Бироқ, ўшандан буён аҳоли ҳукумат талабларига бирор марта ҳам итоат этмади. Намойишчилар билан полициячилар ўртасида кўпдан бери давом этаётган тўқнашувлар чоғида юздан зиёд киши ҳалок бўлди, кўп минг киши жароҳатланди.

Мамлакатда норозилик акцияси 25 январда бошланган эди. Қирғинлар бошлангач, президент Хусни Муборак ҳукумат тарқатиб юборилганини эълон қилди. Бироқ, намойиш қатнашчилари талабига жавобан ўзининг истеъфога чиқиши тўғрисида эълон бермади. Бу ўртада 1981 йилдан бери бўш турган вице-президент лавозимига ўзининг тарафдори бўлган, бу пайтгача разведка маҳкамасини бошқариб келган Омар Сулаймонни тайинлади. Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бошлиқлари билан музокара ўтказди.



Буюк Британия етакчиси Дэвид Кэмерон, Франция президенти Николя Саркози ва Германия канцлери Ангела Меркел ўз муносабатларини билдирдилар. The New York Times газетасининг маълум қилишича, улар ўз баёнотларида Хусни Муборакни намойишчиларга қарши куч ишлатмаслик ва ўз ваъдасини бажариб, демократик ислоҳотлар ўтказишга чақирдилар.

АҚШ давлат котиби Хиллари Клинтон ҳам ҳар икки томонни куч ишлатмасликка даъват этди. Исроил Европа мамлакатлари, шунингдек, Вашингтонга мурожаат этиб, мамлакатдаги тўс-тўполон янада кучайиб кетмаслиги учун Муборакни танқид қилишни юмшатишни илтимос қилди.

AFP агентлигининг маълум қилишича, Мисрдаги қалтис вазият сабабли АҚШ, Ироқ, Саудия Арабистони, Хитой, Туркия, Ҳиндистон, Греция ва Канада давлатлари ўз фуқароларини эвакуация қилишларини билдиришди. Буюк Британия ва Франция ҳам ўз одамларини Мисрдан шошилинч олиб чиқиш ниятида.

НИГОҲ

# МИЛЛАТЧИЛИК АВЖИДА, ҲУКУМАТ ЖИМ

**Қирғизистоннинг жанубида 2010 йилнинг июнида юз берган воқеалар ҳалибери унут бўлмайди. Этник негиздаги қонли тўқнашувлар натижасида кўплаб одамлар қурбон бўлди. Кўпчилик уй-жойидан, мол-мулкидан айрилди. Мамлакатда содир этилган бу тартибсизликларнинг сабабларини ўрганувчи комиссия иш бошлади. Жиноятларни тергов қилиш бу комиссиянинг вазифасига кирмаслиги, у жанжалнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш мақсадида ташкил этилгани алоҳида таъкидланмоқда. Албатта, бундай саъй-ҳаракат яхши. Бироқ, мамлакатда ҳамон муаммолар кўп ва менимча, барқарорлик ҳақида гапиришга ҳали эрта. Комиссия қандай хулосага келишини билмайман, аммо, муаммолар нималардан иборат эканлиги ҳаммага аён бўлса керак, деб ўйлайман.**

Асосий сабаб шуки, Қирғизистон халқи ҳали ўзини яхлит жамият дея идрок этгани йўқ ва этник жиҳатдан бўлинишлар ҳозир анча кучли. Айни пайтда тергов бораётган Ўш ва Жалолобод вилоятларидаги кейинги воқеалар ҳамда кўплаб суд жараёнлари шундан далолат бераяпти. Миллатларни айириш, таъқиб ва хўрлашлар ҳали бартараф этилмаган. Мамлакатнинг ҳуқуқий муҳофаза қилиш ташкилотлари судланувчи ва тергов қилинаётганларни калтаклаш ҳоллари ҳақида хабар бераяпти. Қонун эмас, балки, миллатига қараб ажратиш ҳаракати биринчи ўринга чиқаяпти. Масалан, Қорасув суди биносида милиция, судья ва суд ижрочилари олдида судланувчи Содиқжонов ва Ҳайдаров гуруҳ томонидан калтакланди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари бундай тартиббузарларга қарши чора кўриш у ёқда турсин, тан жароҳати етказилганини қайд этишдан ҳам қатъий бош тортдилар.

Лекин, ноҳақлик, адолатсизлик фақат судланувчиларни калтаклаш билан чекланмади. Бир гуруҳ адвокатлар Ўшда матбуот анжумани ташкил этиб, ҳимоячилар лозим даражадаги муҳофаза билан таъминланмас эканлар жиноий ишларда қатнашмасликларини маълум қилдилар. Улар муваққат президент Роза Отунбоевага хат билан мурожаат қилишди ва унинг нусхаларини Бош прокурор К. Бойболовга, ИИВ вазири З. Рисалиевга, адлия вазири А. Саляновага, Олий суд раиси Ф. Жамашевага, Ўш ва Жалолобод вилоятлари ИИБ бошлиқлари ва прокурорларига, Ўш вилояти суди раисига юбордилар.

Қирғизлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг қўл қовуштириб ўтирганидан фойдаланиб, ўзбек адвокатларни калтакламоқдалар. "Қирғиз бўла туриб, ўзбекларни нега ҳимоя қиласан?!" дея бақирмоқдалар улар.

Адвокат Динора Турдиматова шундай ҳикоя қилади: "Биз тажовуз объектига айландик. Ҳатто, қирғиз аёллари ҳам бизни ва биз ҳимоя қилаётган судланувчиларни уят сўзлар билан сўкишни канда қилмайдилар. Судья ва прокурорлар бундай ҳолларга пинак ҳам бузмайдилар. Бундай "эркинлик"дан руҳланган қирғиз аёллари бизни баттар ҳақоратлаб, оғиз очишимизга қўймайдилар. Биз эса, уларнинг атайлаб қилаётган найрангларига учмаслик мақсадида барча ноҳақ ҳақоратларни ичимизга ютишга мажбурмиз. Дарвоқе, 40-50 нафардан иборат айнан шу аёллар бошқа суд жараёнларида ҳам доимо ҳозиру-нозирлар. Биз улар олдига шунчаки ем бўлиш учун ташлаб қўйилганмиз".

Ўша аёллардан бирига тегишли темир бўлаги адвокатлар қўлига тушиб қолди. Бу қанақаси? Ахир суд залига киришдан олдин ўтказиладиган тинтув нима бўлди? Бундай тинтув ўтказилаяптими ўзи ёки йўқми? Эртага аёллардан бирортаси суд залига граната олиб кирса нима бўлади? Адвокатларнинг тахмин қилишларича, судьялар бундай ҳолларга эътибор беришмайди. Чунки, қўрқишади. Қизиқ, қўрқитиб қўйилган судьяларнинг одиллиги қоладими? У эртага суд якуни бўйича қандай ҳукм чиқаради?

Калтакланишларни бошдан кечирган адвокатлардан бири Тоир Асанов бу ҳолатни ваҳшиёна бебошлик дея жуда тўғри баҳолади. Тушунарлики, воқеаларнинг шу йўсиндаги ривожи ва вазиятни атайлаб кескинлаштириш муайян сиёсий кучлар учун керак. Аммо, бунинг оқибатида янги, янада кучлироқ жанжал-тўполонлар келиб чиқиши ва давлат бутунлай ҳолдан тойиб, тизим чок-чокидан сўкилиб кетиши мумкинлигини унутмаслик керак.

Халқаро комиссия аъзолари қандай маълумотлар тўплашини айтиш мушкул. Улар Ўш ва Жалолободда нималар бўлаётганини балки, охиригача билмаслар ҳам. Айтиш мумкинки, улар суд мажлисларидан бирортасида иштирок этишса, фойдадан ҳоли бўлмасди. Балки, шунда бўлиб ўтган хунук ва аянчли воқеаларнинг сабаблари ойдинлашарди. Қолаверса, АҚШнинг Қирғизистондаги элчихонаси адвокатларга ҳужум уюштирилаётганидан ташвиш билдирди.

Бироқ, Қирғизистон ҳукумати ҳеч қандай чора кўрмай, хотиржам ўтирибди. Шу боис унинг мақсади, қандай йўлдан бориши тушунарсиз ва номаълум. Халқаро комиссия ўз ҳисоботини Қирғизистон ҳукумати ва халқаро ташкилотларга 2011 йилнинг февралида тақдим этади. Қирғизистон воқеалари сабабларини узоқ изоҳлаш, тушунтириш мумкин. Аммо, бугун яққол кўриниб турибдики, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўз вазифаларини бажаришни уддалай олмаяпти. Бу масалада инсон ҳуқуқлари муҳофазасини кузатаётган халқаро ташкилотлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва бошқаларнинг аралашуви зарур. Зеро, Қирғизистон ҳукумати ўзининг сиёсий иродасини намоён этиб, бебошликларга чек қўйишига ҳеч қандай ишонч қолмади.

**Абдужапар СОТИБОЛДИЕВ.**
**«Белый Парус» интернет газетаси.**

## УИЛЬЯМНИНГ ТЎЙИГА КИМ ҚАРШИ?

**Инглиз анархиячилари шаҳзода Уильям ва унинг қаллиғи Кейт Миддлтоннинг бўлажак тўйларини бузмоқчи эканликлари ҳақида The Sun газетаси хабар тарқатди.**

Газета мухбирларидан бири Манчестерда бўлиб ўтган яширин мажлисда қатнашиб, бир гуруҳ анархиячиларнинг режаларидан хабар топган. Ушбу фитна муаллифи Крис Найт Лондонда уюштириладиган норозилик тадбирлари режасини тузган. Қаршилик акциялари шаҳзода ва унинг қайлиғи тўйлари ўтказиладиган 26 март ва 29 апрель кунларига мўлжалланган.

26 мартда Найт ва унинг тарафдорлари ҳукумат биноларига, полиция участкалари ва ҳарбий казармаларга ҳужум қилишмоқчи. Кейин Лондондаги ҳал қилувчи аҳамиятга эга барча биноларни эгаллашмоқчи.

Тўй куни, яъни 29 апрелда анархиячилар "қўлларидан келганча кўнгилсизликлар келтириб чиқариш"ни режалаштиришган.

Газетанинг ёзишича, режалаштирилаётган акцияларда нафақат анархиячилар, балки кўплаб ҳаракатлар, жумладан, феминистик ва экологик ҳаракатлар вакиллари ҳам иштирок этадилар. Уильям ва Кейтнинг тўйига қарши тадбирда ҳирс эркинлиги ҳаракати вакиллари ҳам қатнашиб, тўй кортежи йўлини тўсишмоқчи. Шуниси қизиқки, бу фаоллар кўчага мутлақо яланғоч ҳолда чиқишади. Фақат юзларида ниқоб бўлади, холос.

Полициянинг The Sun газетасига маълум қилишича, бўлажак тўй тантаналарига раҳна солишга қаратилган ҳар қандай уринишларнинг олди олинади.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ
Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади
Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг!
Тел: 233-57-47
Сайт: www.pochta.uz;
e-mail: oao@post.uz

ТОШКЕНТ ВОҲАСИ: АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ

# НОМЛАРИ РИВОЯТЛАРДА ЯШАЁТИР

Бўка – вилоятнинг бағри кенг, сахий, ноз-неъматларга бой туманларидан бири. Бу минтақада қадимда ҳам тўкин-сочинлик муқим ва устувор бўлган.

Туман атамасининг этимологияси ҳам ўзига хос ва қизиқарли. Бир тахминда бу қадимги қанғли бақан уруғининг номи бўлиб, кейинчалик халқ тилида "бўка"га айланган дейилади. Яна бир тахминга кўра, "баҳодир", "полвон", "ғолиб", бошқа тахминларда эса, шаҳар, мамлакат, даргоҳ маъноларини англатиши айтилади. Ва яна энг қадимий ўзбек уруғларидан бирининг номи дейилади.

Биз қайси тахминни асли деб қабул қилмайлик, шу нарса аёнки, Бўка – кучли инсонлар яшайдиган беназир ўлкага оид барча ҳис-туйғу, муносабат ва мулоҳазаларнинг ўзаги. Ўлкада умргузаронлик қилаётган инсонлар бекиёс куч-қудратни Она заминга ва унинг бойликларига нисбатан чексиз меҳр-муҳаббатлари эвазига олишган ва ҳозир ҳам шундай.

X-XII асрларда бу ерлар карвонсарой ва бозорларнинг шовқин-суронлари билан тўлиб тошган. Буюк ипак йўлининг энг муҳим йўналишларидан бирида жойлашган кўҳна Самсарак шаҳри (қадимги тарихчилар Самсарак ва Бўка битта шаҳар деб таъкидлашган) сайёҳлар учун саранжом-саришталик ва меҳмондўстлик, жангчи-баҳодирлар учун жасурлик, енгилмаслик, деҳқонлар учун эса, мўл ҳосил ва тўкин-сочинлик рамзи бўлган.

Кексаларнинг ҳикоя қилишларича, шаҳарни ҳар тарафдан тоза сув манбалари ва сон-саноқсиз жилғалар ўраб турган. Шуниси диққатга сазоворки, бу сувлар шифобахш ҳисобланган.

Бўка туманида тарихий ёдгорликлар, муқаддас қадамжолар кўп. Қулоқлитепа, Будалтепа, Қўнғироттепа, Мойтепа, Сингантепа каби меъморий обидалар давлат ҳимоясига олинган.

Қачонлардир шу ерларда яшаб ўтган азиз инсонлар ва устозлар ҳақидаги камчил маълумотлар авлодлардан авлодларга ўтиб келмоқда. "Қорақўйли ота", "Ғубор ота", "Қўчқор ота", "Зуннун ота" – булар муқаддас халқ қадамжоларининг тўлиқ бўлмаган рўйхати.

Бўкаликларнинг муқаддас қадамжоларидан бири ҳақида муштарийларга ҳикоя қилиб бермоқчимиз.

Бизнинг ўлкамизга ислом динини олиб келган араблар билан бирга чуқур билим, ёзиш ва қуришда катта иқтидор ва маҳорат эгалари бўлган одамлар ҳам ташриф буюришган. Улар орасида Жамол исмли киши бўлиб, у юртимизга илм нурини ҳам ола келган. Бу буюк зот ерга моҳирона ишлов бериш билан бирга одамларга араб тилини ўргатган. У камтарлик ва ҳалоллик рамзи бўлган.

Орадан йиллар ўтиб, Жамол ота боқий дунёга рихлат қилади. Аниқроғи, 63 ёшли бу табаррук инсон кўм-кўк бўлиб, қийғос гуллаб турган қалин дарахтлар орасига кириб, ер қаърига сингиб кетади. Унинг жасадини ҳеч ким кўрмайди. Кейинчалик қабристонга айланган бу жойни Ғойиб ота деб аташди.

Йиллар ўтди. Энди Жамол ота исмини ҳеч ким эсламай қўйди. Бу жойни эса Яман Тама, баъзан Ямал Тама (мазмуни: ёманликлар уруғининг асосчиси) деб аташадиган бўлишди. Зеро, бу ерда бир неча юз йиллар илгари келган арабларнинг авлодлари яшашган.

Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг авлодларидан бўлган Зуннун ота одамларни англаш, кечиримлиликни зиё нури ва меҳр-муҳаббат тимсоли давомчиси сифатида қабул қилиб олди. Зуннун ота бошқа бир азиз инсон – Саид Неъматулло Валийнинг дўсти эди. Бу Валийнинг қабри Оққўрғон туманидаги тарихий ёдгорлик – Шоҳруҳия ҳудудида жойлашган.

Зуннун ота жуда баланд бўйли эди. Шу боис исми Узун бўлган. Кейинчалик эса, одамлар уни ўзгартириб Зуннун ота дея аташган. Бу ўринда Ҳазрати Инсоннинг илоҳий қиёфасини улуғлаш истак ва мақсади яширинган. Аслида ҳам Зуннун ота бундай ҳурмат ва шарафга муносиб эди. У деҳқончилик илми устаси бўлиб, ўз нонини ҳалол меҳнати билан топиб ерди ва одамларга ҳам ёрдам берарди.

Ўнлаб йиллар бир-бирини қувиб ўтиб, бебаҳо зиёратгоҳларга эга бўлган улуғвор қабристонни ўт-ўлан босди. Қарийб икки гектарли майдон назардан четда қолди. Бироқ, бу тарихий қадамжони эъзозловчилар ҳамон келиб, чин инсоний меҳр-муҳаббатни одамларга мерос қолдирган буюк инсонлар хотирасини ёдга олиш учун зиёрат қилишади.

Бизнинг халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бўлимимиз тарихий муқаддас жойларни қайта тиклаш билан жиддий шуғулланаяпти. 2010 йилнинг декабрида Бўка туманидаги "Зуннун ота" тарихий қабристонини қуриш ва ободонлаштиришнинг хомаки ва ишчи лойиҳаси тайёрланиб, тасдиқлангач, "Зуннун ота" янги мажмуасини барпо этишга рухсат олинди. Бу ерда икки устоз хотираси учун иккита бежирим мақбара тикланади. Барпо этилажак катта боғда зиёратчилар учун айвонлар қурилади.

Биз буюртмамизни бажаришда иштирок этганларга – масъулияти чекланган "Арх-Дизайн санъати" жамияти, вилоят архитектура ва қурилиш бошқармаси, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш бош бошқармаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, давлат эксперт бошқармаси, вилоят архитектура-қурилиш назорати бўйича давлат инспекциясига самимий миннатдорчилик билдирамиз. Улар илтимосларимизга доимо "лаббай" деб жавоб бериб, амалий ёрдамларини аяшмайди. Умид қиламизки, улар билан ўзаро ҳамкорлигимиз ҳам мунтазам, ҳам мустаҳкам бўлади.



Буюк инсонлар дафн этилган қабристонлар маданий бойликлар хазинасида алоҳида ўринга эга. Негаки, улар тарих яратган буюк шахслар хотирасини абадий сақлашга дахлдор. Бу инсонлар Ватанни деб, халқни деб яшашган. Она замин ўз бағрида туғилиб, умргузаронлик қилганларни унутмайди. Агар биз, инсонлар буни унутадиган бўлсак, вақти-соати келадики, ташландиқ қабр устидаги тошлар, "кекса" дарахт ва шилдирама жилғаларнинг ўзлари буни эслатади. Хонадонда тингланган ҳар бир афсона ва ривоят нафақат хотирага, балки юракка ҳам бир умрга муҳрланиб қолади.

Ер юзидаги бирорта жасорат ва қаҳрамонлик афсона ва ривоятларнинг ғояларисиз бунёдга келмаган. Ҳар бир афсонавий қаҳрамон инсон руҳиятининг қудрати ва қалб гўзаллигини таранүм этувчи эртак ва қўшиқлар орқали униб-ўсган.

Сайёрамизда бирорта шаҳар йўққи, у ҳақда афсона тўқилмаган бўлсин. Бу тарихимизни тўйинтирадиган, бизнинг иродамизни тарбиялайдиган кучдир. Бу – юракларимизда доимо уриб турадиган, шу орқали бизни Она заминни севиш ва ардоқлаб, асрашга даъват этувчи, олижаноблик ва яхшиликка ўргатувчи хотира. Инсон бу хислатларни ҳаёт ва боқийлик бардавомлиги сифатида зиммасида ҳамиша асраб ўтади.

**Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,**
**халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви раиси.**

СУРАТДА: "Зуннун ота" ёдгорлик мажмуаси лойиҳасининг бир қисми.

КЎРГАЗМА

# СИЗ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

**"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Бадиий академияси, Тошкент фотосуратлар уйи ва Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси ҳамкорлигида фотосуратчилар ўртасида ўтказилган танлов натижалари асосида портрет жанридаги фотосуратлар кўргазмаси ташкил этилди.**

Тошкент фотосуратлар уйи залларига 30 ижодкорнинг 170 га яқин суратлари қўйилган. "Сиз билан фахрланаман" йўналиши бўйича бошқаларга ўрнак бўла олувчи машҳур кишилар, ёзувчи, ижодкор, олим, врач ва бошқа турли касб эгаларининг фотосуратлари кўргазмадан жой олган.

Танловда асосан ёшлар, малакали фотосуратчилар, миллий ва халқаро танлов иштирокчилари ва ғолиблари, фотоихлосмандлар, шунингдек, Тошкент фотосуратлар уйи қошидаги фото санъати мактаби тингловчи ва битирувчилари иштирок этмоқда.

"Сиз билан фахрланаман" кўргазма-танлови доирасида Виктор Ан, Владимир Гончеренко, Абдуғани Жумаев, Константин Минайченко, Али Туров, Рустам Шарипов, Искандар Содиқов, Владимир Шлосберг каби машҳур фотосуратчиларнинг ишлари намойиш этилмоқда. Шунингдек, илк бор Саудия Арабистон Қироллиги фотомактаби вакиллари ҳам ўз асарлари билан қатнашмоқдалар.

Кўргазмада қишлоқ ҳаёти ва гўзал табиатнинг айрим қирралари ёш ижодкорларни илҳомлантирган фотосуратларни ҳам кўриш мумкин. Ёш ижодкор Жасур Жумаевнинг "Суҳбат" деб номланган фотолавҳасида Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги Испансой қишлоғининг гўзал манзараси акс этган бўлса, фотоихлосманд, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети талабаси Назира Боймуродованинг фотолавҳасида Янгийўл тумани пахта даласидаги меҳнат завқи кўз олдимизга келади.

Кўргазманинг очилиш маросимида Алия Тухватуллина, Жасур Жумаев, Дилдорахон Азимова "Олеся", "Мансурбек", "Нур борки, соя бор" фотосуратлари (фотолавҳалари) учун рағбатлантирувчи совринлар билан тақдирландилар.

Павел Кимнинг танловга тақдим этган "Сайланма" фотосурати биринчи ўрин, Эльзара Музаффарованинг "Плюс нишонли киши" фотосурати иккинчи ўрин ва Мадина Орипованинг "Шарқ тароналари" иши учинчи ўринга эга бўлди.

Танлов ва кўргазмада қатнашган барча ижодкорларга сертификатлар топширилди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

БЕКАЖОН

## ТОВУҚ ДЎЛМА

***Масаллиқ:** 1 дона товуқ, 2 бўлак нон, 2\3 стакан сут, 2 ош қошиқ сариёғ, 1 дона тухум, 1 стакан сметана, бульон, туз.*

***Тайёрлаш:** товуқнинг оёқ ва қанотлари каттароқ қилиб кесиб, териси охирги бўғинигача шилиб олинади. Тери билан оёқ ва қанотнинг учи қолади.*

Кесиб олинган гўшт суягидан ажратилиб, қиймалагичдан ўтказилади. Сутда ивитилган нон қўшиб, яна бир марта қиймалагичдан ўтказилади. Сўнг гўштга яхшилаб ишлов бериб, туз, эритилган сариёғ, тухум ва бир оз бульон қўшиб, яхшилаб аралаштирилади. (Қиймага товуқнинг ёғда қовурилган жигари, қайнатиб пиширилган юраги, ошқозонини қиймалагичдан чиқариб, қўшиб юборса бўлади.)

Тайёрланган қийма билан товуқнинг оёқ ва қанот териси тўлдирилади ва тикиб қўйилади. Агар қиймадан ортиб қолса, товуқнинг бошқа жойларидан терисини шилиб олиб, орасига қиймани солиб, рулет шаклида ўраб, атрофларини тикиб, устидан чилвир билан ўраб қўйилади. Тайёр дўлмаларни ёғда қовуриб олиб, идишга жойлаб, қовуришдан қолган ёғни ва сметанани устидан қуйиб, идишнинг қопқоғини ёпиб духовкада пиширилади.

Дастурхонга тортишдан олдин ипларини олиб ташлаб, исталган сабзавот гарнири билан узатса бўлади.

## ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

*Ошқозон оғриганда, кунига наҳорда ва ётиш олдидан бир ош қошиқ зайтун мойи ичиш тавсия этилади.*

* * *

*Жисмоний машқлар орасида инсон саломатлигига энг фойдалиси югуришдир. Велосипед ҳайдашнинг ҳам жисмоний чиниқишга фойдаси бор, лекин велосипед бошқаришда оёқ ҳаракати билан нафас олиш ўртасида мутаносибликнинг бузилиши боис, ўпкага меъёридан ортиқ ҳаво киради.*

* * *

*Бош оғриганда бош терисини собур (алоэ) барги шираси билан намлаб туринг. Ушбу муолажани ҳар куни дам олиш соатларида бажарсангиз ҳам бўлади.*

* * *

*Қаттиқ шамолганингизда лимон ёки асал чой ичиб, ўралиб ётиб, терласангиз шифо топасиз.*

* * *

*Тухумни бутун ҳолатда пиширишдан ёки илитишдан олдин унинг устини илиқ сувда яхшилаб ювиш лозим, чунки унинг пўстлоғида касаллик микроблари бўлиши мумкин.*

КИТОБИНГИЗНИ ЎҚИДИМ

# «ҲАР ЛАҲЗА ҚОҚҒИЛ МАЪРИФАТ БОБИН...»

**Шоирлар, ёзувчилар ҳақида гап кетганда маърифатпарварлик фазилати алоҳида таъкидланади. Ўзбек адабиёти, шеъриятига муносиб ҳисса қўшолган хушзабон шоирлардан бири Юсуф Сарёмий ҳам қарийб 150 йилдан буён ўз шеърлари билан мухлислари эътиборини қозониб келмоқда. Замондошлари Муқимий, Фурқат, Завқий, Хилватий каби шоирлар ижодидан руҳланиб яратган асарлари шеърият ихлосмандларига машҳур ва манзур бўлган. Ғазал, мухаммас, рубоийларида Алишер Навоий, Аҳмад Яссавий, Низомий Ганжавий, Жомий, Атоий, Бобораҳим Машраб ижодига ҳурмат, эътиқод сезилиб туради.**

Асли, Чимкентнинг Сайрам қишлоғидан бўлган Юсуф Сарёмий ҳамиша ижодкорлар даврасига интилиб яшади. Шундай давралардан бирида танишган дўстлари Муқимий, Хилватий, Камийлар билан умрининг охиригача мулоқотда бўлиб, тез-тез шеърхонлик, мушоиралар уюштириб туришар эди. Дўстлик ришталарини боғловчи шоир сифатида Тошкенту Сайрамда машҳур бўлган Мамаюсуф домла орадан йиллар ўтса ҳамки, Мавлоно Юсуф Сарёмий дея ардоқланади. Шоирнинг зурриётлари ҳам бу улуғ номни эъзозлаб келишмоқда. Унинг чевараси, оққўрғонлик журналист, "Оққўрғон овози" газетаси муҳаррири Абдулла Маъдиев "Бобом – фахрим менинг" номли китобини Юсуф Сарёмий ҳақидаги эсдалик, хотираларга бағишлаган. Унда таниқли шоир ва ёзувчилар, олимларнинг шоир ҳақидаги фикр-мулоҳазалари жамланган бўлиб, XIX аср ўзбек адабий муҳити ҳақида хабар берувчи мақолалар орқали беихтиёр ўша даврни тасаввур этиш мумкин. Адабиётшунос олимлар Мақсуд Шайхзода, Бегали Қосимов, Мираҳмад Мирхолдоров, Муқаддас Тожибоева, Эргаш Очиловнинг "Ўзбек адабиёти ва санъати", "Ишонч", "Сайрам садоси" ва муаллифнинг "Оққўрғон овози" газеталарида чоп этилган илмий, адабий-маърифий мақолалари ҳам ўрин олган. Шоирнинг "Бир лаҳзалик манзил – ҳаёт" деб номланган ғазалини ўқир экансиз, Юсуф Сарёмий ижодидаги асосий йўналишни пайқагандек бўласиз:

*"Маърифатдин бехабар*
*ким, вой, беҳосил вужуд,*
*Ўткарурсан дам-бадам,*
*фарёд, ноқобил ҳаёт".*

Яъни маърифатдан бехабар инсон – мевасиз дарахт, сувсиз дарё, оловсиз ўчоқ, бундай ҳаётнинг ҳар бир дами беҳуда, бемаъни. (Э. Очилов)

"Юсуф Сарёмийнинг "Қора кўзингни асири" деб бошланадиган ғазали эса "Қўқон ушшоғи" бўлиб, хонандалар зўр завқ билан куйлаб келмоқдалар.

*«Чаманда сарв қаддингдек*
*латиф эмас шамшод,*
*...Юзунг гули каби ризвон*
*гули эмас мумтоз.*
*Юзунгни равзада насрин*
*хаёл айласа кам,*
*Латофатингни Эрам*
*боғида пари деса оз».*
**(Қўқон ушшоғи).**

Тўғри, Юсуф Сарёмий сўфийлик ҳаракати, тасаввуф илмининг тарғиботчиси сифатида кўп йиллар эътибордан четда бўлган. У мустақиллик шарофати билан халқимизга қайтган маънавий қадриятлар силсиласида тасаввуф илмига ҳам холислик билан қараш туфайли юзага чиққан ижодкорлар қаторидан жой олганлиги бор гап.

"Дарҳақиқат, Юсуф Сарёмий қалами пухта шоир, – дейди 2002 йили қайта нашр этилган шоир девонига ёзилган сўз бошида адабиётшунос олим, профессор Бегали Қосимов. – Сўзни, оҳангни теран ҳис этар, шеър санъатидан яхши хабардор эди..."

Эътиборлиси, шоирнинг ўзбек адабиёти, миллий маданият ва қадриятларга бўлган эътиқоди икки юрт, икки эл адабий муҳитида муносиб из қолдириши, дўстлик ришталарининг мустаҳкамланишига озмикўп ҳисса қўшганлигидадир.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

# ШАРМАНДАГА ШАҲАР КЕНГ

Ҳуши ўзига келган Носир атрофга аланг-жаланг қаради. Милиция кийимидагиларни кўриб, юзи буришиб кетди.

– Йўқ, йўқ! Мен ўлдирганим йўқ! – деб алаҳлаган кўйи яна ҳушидан кетди. Врачларнинг елиб-югуришларидан сўнг қайта кўзини очди.

– Ҳа, оғайни, тинчликми? – сўради милиция кийимидаги киши.

Чорасиз қолган Носир нималардир деб ғудранди.

... Воқеа жойига етиб келган милиция ходимлари бўғиб ўлдирилган аёл жасади борлиги ҳақида терговчига хабар берди.

Тақдирга тан берган Носир бўлиб ўтган воқеани терговчига бир бошдан гапириб беришга мажбур бўлди.

Тирикчилик ғамида Носир шахсий машинасида киракашлик қилиб, кун кечирар эди. Бир куни Ўрикзор бозорида бир нотаниш аёл машинасига ўтириб:

– Чирчиққа, уйга бориб, келишим керак, молим тугаб қолди, – деди. – Айтган кира ҳақингизни бераман.

"Лўлининг эшагини суғориб, пулини ол" деган ақидага амал қилишга аллақачон ўрганган Носир моторни ўт олдирди.

Эркакшода бу аёл бир гапириб, ўн кулар, ора-сира чапанича сўкиниб ҳам қўярди.

Манзилга етиб келгач, аёл:

– Мен ҳозир, – деб ичкарига кириб кетди. Носир унинг ортидан тикилиб қолар экан, "Оғзи бир оз шалоқроқ демаса, зап кетворган нарса экан" деб ўйлади.

Аёл қоғоз қутиларда нималарнидир машинага таший бошлади. Шундай нозанин терлаб-пишиб юк ташиётганига қараб туриш йигит киши учун уят, албатта. Шунинг учун Носирнинг ўзи елиб-югуриб, юкларни машинага жойлади. Аёлнинг фақат оғзи эмас, ўзи ҳам жуда мард экан. Носирнинг мўлжалидан ҳам кўпроқ хизмат ҳақи берди.

Бугунги тушумдан кайфияти чоғ Носир кечки пайт бозор яқинидаги бекатда мижоз пойлаб турганида ўша аёл келиб:

– Акажон, мени пойлаб турганингиз йўқми? – дея эшикни очиб, машинага ўтирди.

Бир кўрган билиш, икки кўрган таниш деганларидек, яқиндан танишиб олдилар. Аёлнинг исми Нозима бўлиб, эри билан ажрашган, икки қизи ҳам бор экан. Қизлари Бўстонлиқ туманида бувиси билан яшашаркан. Ўзи эса Чирчиқ шаҳрида яшаб, Ўрикзор бозорида савдо-сотиқ қилар экан.



Нозима унинг доимий мижозига айланди. Носир ҳаётидан рози, бахтидан сармаст эди. Чунки, майда-чуйда харажатларга ҳам аёлнинг ўзи пул тўлаб юборарди. "Жазманинг киройи шундай бўлса-да" орзу қиларди Носир. Куни келиб шундай ҳам бўлди. Бу янги танишларни шайтон йўлдан урди...

Аёл чапдаст чавандоз каби Носирнинг тизгинини кундан-кунга ўз қўлига маҳкам ўраб ола бошлади. Энди Носир бир малай каби унинг хизматини қилар, юкларни ортиб, тушириб, бозорга олиб бориб келарди. Баъзида эркаклигига бориб қаттиқроқ гапирса "шармандага шаҳар кенг" деганларидек, Нозима бозорни бошига кўтариб тўполон қилар, жанжал бошларди.

Андишанинг отини қўрқоқ билган Нозима кундан-кунга ҳаддидан ошиб борди. Ҳеч нарсадан тап тортмай, Носирнинг уйига ҳам қўнғироқ қиладиган бўлди.

Бир куни телефонда Носирнинг хотини билан гап талашиб, уришиб қолди. Дарғазаб бўлиб, жаҳл отига минган Нозима унинг уйига келиб, шўрлик аёлнинг уст-бошини йиртиб, сочларини юлиб, судраб, дўпослади.

Қий-чувдан хабар топиб чиққан қўшнилар ўртага тушиб, ажратиб қўйдилар.

...Турмушида ҳаловат қолмаган, дили сиёҳ, кўнгли хуфтон, ҳаётдан безиган Носир қандай бўлмасин, аёлни муросаю мадорага келтириб, орани очиқ қилиш учун Нозиманинг уйига борди. Курк товуқдай ҳурпайиб ўтирган Нозима:

– Мен ҳеч нарсани билмайман, никоҳингга олиб, фақат мен билан яшайсан, уйингга қайта бормайсан, – деди кўзлари чақчайиб. – Мен элу юрт олдида шарманда бўлишни хоҳламайман!

Шаддод аёлнинг бу қатъий талаби Носирнинг бошидан бир челак муздек сув бўлиб қуйилди.

– Нималар деб валдираяпсан? – деди у ҳам ғазабга миниб. – Нега бормас эканман? Ахир у менинг оилам, болаларим бор.

– Қанақа бола? – деди Нозима лабларини буриб. – Сендан бола бўлганида бир йилдан буён мен ҳомила орттирмасмидим. У болалар сеники эмас, хотинингнинг ўйнашидан...

Нозиманинг гапи бўғзида қолди.

– Нима? Нима дединг?! – деб Носир аёлнинг бўйнидан бўғиб, бошини деворга ура бошлади. Нозиманинг гавдаси оғирлашиб, қўлининг кучи етмай, танаси беҳуш сирғалиб, оёқлари остига тушгандагина, Носир нима қилиб қўйганини англаб, ташқарига отилди. Машинага ўтириб, жон-жаҳди билан газни босди.

Машина мактаб атрофидаги темир панжарага зарб билан урилди. Зарб шу даражада кучли эдики, Носир машина деразасидан ташқарига отилиб тушди-ю, ҳушидан кетди. Хайрият ҳудудни айланиб юрган милиция ходимлари келиб қолиб, тез ёрдам кўрсатишди. Бўлмаса совуқда музлаб, тарашадек қотиб қолиши тайин эди.

Қилмиш-қидирмиш деганларидек, Носир суд ҳукми билан 14 йиллик қамоқ жазосини олди.

**Шавқиддин САМИЕВ.**

Собир Раҳимов тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "SHAMS OBOD MEBEL" хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли "SHAMS OBOD MEBEL" масъулияти чекланган жамиятига ўзгариши муносабати билан даъволар 746-60-07 телефони орқали қабул қилинади.

Собир Раҳимов тумани ҳокимининг қарори билан рўйхатга олинган "FOS TRADE" масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 100 000 000 сўмдан 26 388 000 сўмга камайиши муносабати билан даъволар 478-60-61 телефони орқали қабул қилинади.

РАССОМ ХАНДАСИ



– Менинг сопла-соғ эканлигим тўғрисида «справка» ёзиб беринг, доктор!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Шоҳруҳ ҲАКИМОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-240. Адади 15953. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.20. 1234